

63.3

P15

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ



Қ. К. РАЖАБОВ

**МУСТАҚИЛ
ТУРКИСТОН
ФИКРИ УЧУН
МУЖОДАЛАЛАР**

“ЎЗБЕКИСТОН”

63.3
P-15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР
АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Қ. К. РАЖАБОВ

**МУСТАҚИЛ
ТУРКИСТОН ФИКРИ
УЧУН МУЖОДАЛАЛАР**

(1917—1935 йиллар)

БИБЛИОТЕКА
Бух. ДИП я ЛП
№ 73632

ТОШКЕНТ “ЎЗБЕКИСТОН” 2000

Масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори *Д. А. Алимова*

Тақризчи:
тарих фанлари доктори *С. С. Абзамхужаев*

Муҳаррир *З. Каримова*

Ў 0503020904 – 24 2000
М351(04)2000

ISBN 5-640-02816-5

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти 2000 й.

Туркистон мустақиллиги учун жангларда қурбон бўлган истиқлолчиларнинг порлоқ хотираларига бағишлайман.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҲУКУМАТИ

Туркистондаги жадидчилик ҳаракати 1917 йил февралдан октябргача бўлган қисқа муддат ичида жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди. Жадидчилик айнан ушбу даврда маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилди.

1917 йил март ойида Тошкент шаҳрида жадидчилик ҳаракати раҳбарлари “Шўрои Исломия” ташкилотининг атрофига бирлашдилар. Жадидлар жойларда “Шўрои Исломия” тизими яратилишининг ташаббускори бўлдилар.

Жадидларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қисқа муддат ичида тўрт марта Бутунтуркистон мусулмонлари қурултойи ўтказилди. 1917 йил 16—23 апрелда бўлган биринчи қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш ғояси илгари сурилди. Қурултой доимий ижроия ташкилот — Туркистон мусулмонларининг Марказий Шўроси (Ўлкамуссовет)ни таъсис этди. Аҳмад Закий Валидий ўзининг машҳур “Хотиралар” китобида кейинчалик ёзишича, Туркистон мусулмонлари Марказий Шўросига Мустафо Чўқаев раис, у бош котиб, Мунаввар Қори, Обиджон Маҳмуд, Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар аъзо бўлиб сайланди¹.

Бутунтуркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойида (1917 йил сентябрь) фақат мусулмон депу-

¹ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. Тошкент, “Адолат”, 1997, 48-бет.

татларнинг улка Шүроси Туркистон мусулмон аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин, деган фикр қатъий қилиб қўйилди¹. Мусулмонлар Шүроси ҳокимиятни ишчи ва солдат депутатлари Советига берилишига қарши эканликларини очиқ айтишди. Афсуски, кучлар нисбати 1917 йил октябрь ойига келиб Марказда ҳам, унинг “чекка улкаси” саналган Туркистонда ҳам ўзгарган эди.

Большевиклар томонидан Петроградда амалга оширилган Октябрь тунтариши Туркистон халқларининг озодлик ва мустақилликка эришиш туғрисидаги умидларини оқламади. Большевиклар ҳукуматининг раҳбарлари томонидан халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақидаги эълон қилинган дабдабали декларациялар² амалда бир парча қоғоздан иборат қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди. Туркистонда ярим асрдан ортиқ давом этган мустамлакачилик зулми 1917 йилнинг охирида ҳам ўзгармади, фақатгина ниқоблар алмаштирилди, холос. “Рус инқилобий демократияси чоризмдан реакцияроқ иш тутди”³, — деб таъкидланади ўша давр ҳужжатларининг бирида. Бу ҳол большевикларнинг улкадаги мухторият ҳаракатига нисбатан бўлган муносаба-тида ҳам яққол куринади.

Қўқон шаҳрида 1917 йил 26 ноябрда очилган Улка мусулмонларининг IV фавкулдада қурултойида ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҳукумати тузилганлиги эълон қилинди⁴. Қурултой Бутунроссия таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимиятни янги тузилган Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллий) мажлиси қўлига берди. “Улуғ Туркистон” газетасида ёзилганича, муваққат ҳукумат таркибига Муҳаммадjon Танишбоев Бош вазир, ички ишлар вазири, Ислон Султон Шоаҳ-

¹ Истиқлолимизнинг тарихий илдиzlари (давра суҳбати), “Шарқ юлдузи”, 1995, №11-12, 5-бет.

² Бу ҳақда қаранг: В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон туғрисида. Тошкент, “Ўзбекистон” 1984, 489-491, 492-495-бетлар.

³ Ўзбекистон Марказий давлат архиви (Ўзбекистон МДА), 17 фонд, 1-руйхат, 45-иш, 382-варақ.

⁴ Қаранг: С. *Авзамхужаев*. Туркистон Мухторияти. Тошкент, “Фан”. 1996, 32-33-бетлар.

медов — Бош вазир уринбосари, Мустафо Чўқаев — ташқи ишлар вазири, Убайдулла Хўжаев — ҳарбий вазир, Юрали Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Маҳмудов — озиқ-овқат вазири, Абдураҳмон Ҳўразаев — ички ишлар вазирининг уринбосари, Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири сифатида киритилди¹. Орадан кўп ўтмай жумҳураис вазифасини М. Танишбоев ўрнига ҳуқуқшунос М. Чўқаев бажаришга киришди.

Афсуски, Туркистон Мухторияти ҳукумати 72 кун яшадди. 1918 йил 19—22 февралда Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган мазкур ҳукумат қизил аскарлар найзаси остида ағдариб ташланди. Қўқон шаҳри босқинчилар томонидан аёвсиз таланди, фақат уч кун ичида ўн минг кишига яқин қўқонлик ўлдирилди.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Ватан туйғусидек муқаддас туйғу қалбининг тўридан жой олган Туркистон мунавварларининг мухторият, Туркистон тақдири, миллий истиқлол, эрк ва ҳурлик учун олиб борган курашлари бу ҳукумат тор-мор қилинса-да, изсиз кетмади. Ёниб кулга айланган гулхан ичидан Қақнус қуш қайта чиққанидек, Туркистон Мухторияти ҳукумати мағлубиятга учраса-да, у Фарғона водийсидаги ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИни² “ташкилий расмийлаштирди, унга миллий бўёқ ва тус берди”³. Демак,

¹ “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 13 декабрь.

² Ушбу ўринда сўз “босмачилик” деб нотўғри номланган ҳаракат устида кетмоқда. “Босмачи” ва “босмачилик” иборалари миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш, аждодларимизнинг Россия зулми ва большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли курашларини хаспўслаш учун буюк давлат шовинистлари томонидан ўйлаб топилди ҳамда “бандитлик”, “қароқчилик” деган сўзлар билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилди.

Хайриятки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, “босмачилик” ёрлиғи ёпиштирилган ота-боболаримизнинг муборак номлари қайта тикланди ва улар ўзларининг асл қиёфалари билан бизга пesh-воз чиқишди. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотда “босмачи” ва “босмачилик ҳаракати” сўзлари истиқлолчи ва истиқлолчилик ҳаракати атамалари билан алмаштилди.

³ Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 336-иш, 224-варақ.

Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча режимга қарши истиқлолчилик ҳаракатининг бошланишини хронологик жиҳатдан 1918 йил февраль ойининг сунги ўн кунлигида деб белгилашимиз мумкин.

Дастлабки истиқлолчи гуруҳларнинг тузилиши Қўқон атрофидаги Бачқир қишлоғидан бўлган Кичик ва Катта Эргашларнинг номлари билан узвий боғлиқдир. 27 февралдаги жангларнинг бирида КИЧИК ЭРГАШ шахид бўлгач, унинг урнига КАТТА ЭРГАШ қўрбоши (уни Мулла Эргаш ҳам дейишган) Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши озодлик байроғини кўтарди. Совет ҳокимияти ва большевикларга қарши миллий истиқлол ҳаракатини ташкил қилишдек буюк ва шарафли вазифа энди унинг зиммасига тушди.

Мулла Эргаш қўрбоши кўтарган мустақиллик туғи остида Фарғонадаги советлар тузумидан норози юзларча ва мингларча кишилар бирлашдилар. Маркази Бачқир бўлган Қўқон уезди истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки таянч нуқтаси бўлиб қолди. 1918 йил март ойининг охирига келиб Катта Эргашнинг номи Фарғона водийси аҳолиси ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди¹.

Совет айғоқчиларидан бирининг маълумотига қура, “Эргаш қўрбошининг мусулмон ва рус аҳолиси ўртасида пайдо бўлиши олқишларга сазовор бўлди, унга энг юксак тилаклар тиланди ҳамда унинг қиёфасида Андижон ва Қўқонда ўрнашган совет қўшинларидан, ҳукумат вакилларидан ва ҳар қандай зўравонликдан халос қилувчи инсонни кўрдилар”².

Истиқлолчилик ҳаракатини ягона қўмондонликка бўйсундириш мақсадида “Шўрои Исломия” ва “Шўрои Уламо” ташкилоти аъзоларининг ташаббуси билан 1918 йил март ойининг охирида Бачқир қишлоғида Фарғонадаги бутун қўрбошиларнинг биринчи қурултойи чақирилди. Унда 40 дан ортиқ йирик қўрбошилар қатнашди³. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳарака-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг архиви (Ўзбекистон РПДА), 60-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 25-варақ.

² Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 3-варақ.

³ Ш. А. Шамағдиев Очерки истории и гражданской войны в Ферганской долине. Тошкент, “Фан”, 1961, 61-62-бетлар.

тининг бошлиғи этиб ҳалок бўлган Кичик Эргаш ўрнига энди Катта Эргаш сайланди ва унга бутун мусулмон қўшинларининг Олий бош қўмондони — “Амир-ал-муслимин” унвони берилди. Эргаш қўрбошининг ўринбосарлари қилиб Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек тайинланди.

Скобелев уездига эса миллий озодлик машғалини Марфион милициясининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли — МАДАМИНБЕК (1892—1920 й.) кўтарди. “Яккатут волости Гарбобо қишлоғидаги Мадаминбек гуруҳининг қароргоҳига оммавий равишда маҳаллий ёшлар келиб қўшиларди”¹ — деб ёзилади 1918 йилга оид архив ҳужжатларининг бирида.

“Ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариш ва Фарғона мухториятини тиклаш вазифасини қўйган Мадаминбек тадбиркор сиёсатчи ва уддабурон ташкилотчи фазилатларига эга эди”², — деб тан олинади бошқа бир расмий ҳужжатда.

Мадаминбек йигитлари ўртасида ҳарбий интизом кучли эди. Мадаминбекчилар босқинчи ва ўғриларни ўзлари ушлаб, жазосини беришарди.

Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобига хос сифатлар мужассам эди. У Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг ҳақиқий маънодаги доҳийси, тан олинган йўлбошчиси эди. Мадаминбек водийдаги совет ҳокимияти органларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. Бундай бошқарув усулини яна Эргаш ва Шермуҳаммадбек қўрбошиларгина жорий қилган эдилар. “У бизнинг раҳбарлик фаолиятимизда йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан усталик билан фойдаланарди. Унинг ўз “бошқарув аппарати”, ўзининг трибунали, ўзининг “генштаби” бўлган; у қонунлар чиқарган”³, — деб эътироф қилади Мадаминбекка қарши курашган душманларидан бири Граматович.

¹ Фарғона вилояти давлат архиви (Фарғона ВДА), 121-фонд, 1-руйхат, 39-иш, 247-варақ.

² Россия давлат ҳарбий архиви (РДХА), 149-фонд, 108-иш, 161—162-варақ.

³ Война в песках. Москва, 1935, 202-бет.

Умуман олганда, Фарғона водийсида 1918 йилнинг ўрталарига келиб, тахминан юзга яқин қўрбоши ўз дасталари билан қизил армия қисмларига қарши озодлик байроғи ва исломнинг яшил туғини кўтардилар.

Истиқлолчилик ҳаракатининг ҳарбий бирликка алоқаси бўлмаган қуролли безорилик, бандитлик ёки босмачилик ҳаракати эмаслигини биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий характери ва Туркистонга мос хусусиятлари бўлган. Ҳаракатнинг кейинги ривожланишини баён қилишдан аввал унинг худди ана шу ўзига хос хусусияти ва асосий мақсадини аниқлаб олиш зарур.

Ҳаракатнинг бошдан охиригача бир устувор ғоя ётадики, бу **БУТУН ТУРКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ** ғоясидир. Истиқлолчилик ҳаракати гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб, унда иштирок этувчиларнинг таркиби алмашиб, иккиламчи манфаатлар ўзгариб туришига ҳамда объектив ва субъектив омиллар кучлар мувозанатига салбий таъсир қилишига қарамай, ҳаракатнинг асосий мақсади **ТУРКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ** бўлиб қолаверади.

Мадамминбек 1919 йил 11 мартда Фарғона fronti қўшинлари қўмондони М. В. Сафонов номига йўллаган мактубида истиқлолчилар қандай мақсад йўлида қуршаётганликларини, бу ҳаракатнинг моҳияти ва “босмачи” деб кимни айтиш лозимлигини яққол кўрсатиб берган: “Гапнинг лўндасини айтсам, бизнинг халқимиз ўз турмушида Карл Маркс ёки большевиклар дастурини қўллаш даражасида ҳали онги ривожланмаган ... Туркистонда бўлса, яна қайтараман, Сизлар қиладиган иш йўқ ва бу ерда зўравонлик билан душманлар орттирасиз, холос... Сиз федерация тузилади деб эълон қилдингиз, сиз халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилдингиз, шундай экан, нега сиз уларни бизга бермайсиз? Ёки бизнинг фақат мусулмон бўлганлигимиз учунми?! Бизга кўнглимиз тусаганча яшашга имкон беринг, майли, сиз эълон қилган шиорларга биз амал қиламиз, бизларга ўзимиз хоҳлагандек бошқарув усулини танлашга имкон беринг, ахир, биз — му-

сулмонлар кўпчиликини ташкил қиламиз-ку. Аммо зўравонлик қилманг...”¹.

Совет ҳокимияти вакилларининг бутун Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай уларнинг нафсониятига тегиши истиқлолчилик ҳаракатининг доимий равишда авж олиши ҳамда унинг узлуксиз давом этишига олиб келди.

Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати 1919 йил ёзининг охири ва кузида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги ислом қўшинлари сафига Жалолободда турган рус крестьянлар армиясининг қўшилиши водийда совет ҳокимиятини ағдариш учун реал куч эди. Сентябрнинг дастлабки кунларида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод шаҳрини эгаллашди². Қуршоб қасабаси (посёлка) ёнидаги жангларда совет армияси қисмлари катта мағлубиятга учраб, Ўш шаҳрига чекинди³.

“Ўш — Фарғонанинг ҳаёт-мамотини белгилайдиган шаҳар”⁴ бўлиб, ҳарбий стратегик жиҳатдан жуда қулай жойда жойлашган эди. У Фарғона водийсини, умуман, Туркистон Республикасини Хитой, Афғонистон, Ҳиндистон, бу томони Бухоро билан боғлайдиган йўлларнинг устида эди. Ўш шаҳри “жаҳон томи” — Помир рўпарасида бўлиб, ундан Гульча ва Эргаштомдаги чегара пунктларига олиб борадиган йўл ўтарди. 8 сентябрда бир ярим суткалик қизғин жанглардан кейин Ўш шаҳри гарнизони таслим бўлди, қамоқхонада ётган маҳбуслар истиқлолчилар томонидан озод қилинди⁵. Мадаминбек бошчилигидаги армия тантана билан шаҳарга кириб келди. Ўш шаҳрида 9 сентябрда бўлган катта митингда Мадаминбек ёрқин нутқ сўзлади. Митингда қатнашганларнинг гувоҳлик беришича, Мадаминбек ирод этган нутқда истиқлолчи-

¹ РДХА, 28113-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варақ, 149-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 53-варақ.

² РДХА, 110-фонд, 2-рўйхат, 26-иш, 19-варақ.

³ РДХА, 110-фонд, 3-рўйхат, 163-иш, 29-варақ.

⁴ РДХА, 149-фонд, 75-иш, 48-варақ.

⁵ РДХА, 25859-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 42, 328-варақ.

лик ҳаракатининг сиёсий моҳияти, истиқлолчиларнинг мақсадлари очиб берилди¹.

Мадаминбек қўшинлари 13 сентябрда Эски Марғилон шаҳрини эгаллади. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар — Андижонни қамал қилишга киришди. Бир ой давомида Фарғона водийсини ларзага келтирган Мадаминбек бошчилигидаги мусулмон қўшинининг ҳужуми пировардида мағлубият билан туғади.

Бироқ илк мағлубият аламини татиган Мадаминбекнинг иродаси синмади. 1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом (Иркештам) овулида бўлган анжуманда МАДАМИНБЕК бошчилигида ФАРҒОНА МУВАҚҚАТ МУХТОРИЯТ ҲУКУМАТИ тузилди. Ҳукумат таркибига 16 мусулмон ва 8 рус, ҳаммаси бўлиб 24 киши киритилди². Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиши билан бир қаторда Бош қўмондон қилиб ҳам тайинланди.

1919 йилнинг кеч кузига келиб “Мадаминбек қўл остида 30 мингга яқин йигит”³ қизил армияга қарши истиқлол жангларини олиб бордилар. Бу пайтда Шермуҳаммадбекда 20.000 йигит, “Эргаш қўрбошида 8.000 йигит бўлган”⁴. Айнан ушбу учта лашкарбоши водийдаги жанговар ҳаракатларни йўналтириб турганлар.

1919 йил октябрнинг сўнгги кунларида Фарғона водийсидаги барча йирик қўрбошилар Ойимқишлоқда тўпланди. Истиқлолчилик ҳаракати тарихидаги ушбу энг йирик қурултойда, архив ҳужжатларининг далолат беришича, Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган 150 тача қўрбоши дасталари тўртта йирик лашкарбоши: Мадаминбек, Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холхўжа Эшон қўмондонлиги остида бирлаштирилди⁵. Қурултойда ислом қўшинларининг Олий бош қўмондони — “Амир-

¹ РДҲА, 25859-фонд, 1-руйхат, 44-иш, 320-варақнинг орқаси, 329-варақ.

² РДҲА, 149-фонд, 1-руйхат, 51-иш, 77-варақ.

³ Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-руйхат, 220-иш, 102-варақ.

⁴ РДҲА, 110-фонд, 1-руйхат, 43-иш, 139-140-варақлар.

⁵ РДҲА, 149-фонд, 1-руйхат, 75-иш, 48-50-варақлар.

ал-муслимин” қилиб яна қайтадан Мадаминбек сайланди.

Бироқ Фарғона водийсига тобора қўшимча кучларнинг ташланиши натижасида 1920 йил январь ойининг ўрталарига келиб жанговар ташаббус қизиллар қўлига ўтди. Катта Эргаш қўрбошининг¹ қўшини мағлубиятта учрагач, Шермухаммадбек асосий кучларини олиб Олой воҳасига чекинди. Мадаминбек вақтдан ютиш учун Фарғона fronti қўшинлари қўмондонлигига яраш музокаралари бошлашни таклиф қилди. Натижада мусулмонлар қўшинининг қўмондони Мадаминбек билан 2-Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Веревкин-Рахальский ўртасида 1920 йил 6 мартда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида яраш битими имзоланди².

Лекин Мадаминбекнинг дипломатик тадбирлари самарасиз тугади. Советлар томонидан музокаралар ўтказиш учун қўрбошилар орасига юборилган Мадаминбек Шермухаммадбекнинг розилиги билан Холхўжа Эшон томонидан 1920 йил 14 майда Қоровул қишлоғида ўлдирилди³.

Совет қўмондонлиги “Мадаминбекнинг ўлими билан Туркистон Мухторияти ва миллий мафкура учун кураш ҳам ўлади”⁴, деб хом хаёлга боришган эди. Мадаминбекни ўлдирган кимса Холхўжа Эшон қўл остидаги Соқи жаллод бўлса-да, аслида унинг ҳақиқий қотили большевикча режим раҳбарлари эди. Чунки Мадаминбек ўртадан кўтарилгач, эртасигаёқ истиқлолчилардан шафқатсиз ўч олишга киришилди. Шундай бўлишига қарамасдан, Туркистон халқларининг истиқлол жанглари 1920 йил ёзи ва кузида ҳам асло тинмади. Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги ватанпарварлар билан бир қаторда эндиликда Бухоро ва Хоразмдаги фидойилар ҳам босқинчи қизил армия жангчиларига қарши муқаддас курашга отландилар.

¹ Архив ҳужжатларида келтирилишича, Катта Эргаш қўрбоши 1921 йил 19 декабрда Хонободдаги қароргоҳида қизил аскарлар билан булган жангда ўлдирилди.

² РДХА, 110-фонд, 3-рўйхат, 285-иш, 40-41, 75-76-варақлар.

³ Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 230-варақ.

⁴ РДХА, 28113-фонд, 7-рўйхат, 84-иш, 1-4-варақлар.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати 1920 йилнинг ёзи ва кузида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Кураш яна ҳам шафқатсиз ва мурасасиз тус олди. Кураш байроғини водийда Мадаминбек ўрнига энди ШЕРМУҲАММАДБЕК (1893—1970 й.) кўтарди. Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиариқ туманидаги Фарибота қишлоғида ўзларининг навбатдаги курултойларига тўпландилар. Курултой 1920 йил 3 майда ТУРКИСТОН — ТУРК МУСТАҚИЛ ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИ ёки қисқача қилиб айтганда ТУРКИСТОН МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИни тузди. Ушбу курултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва ислом қўшинларининг Олий бош қўмондони — “Амир-ал-муслимин” қилиб сайланди.

Шермуҳаммадбек кўтарган эрк ва истиқлолнинг яшил байроғи остида Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар тўпланди. Мадаминбек билан бирга ёки ундан олдинмакетин совет ҳокимиятига таслим бўлган қўрбошиларнинг аксарияти ва уларнинг йигитлари ҳам Шермуҳаммадбек қўшинлари сафига келиб қўшилдилар. Большевик маддоҳлардан бирининг эътирофича “Мадаминбек қўрбошилар ўртасида энг кучлиси бўлган бўлса, Шермуҳаммадбек шубҳасиз энг хавфлиси эди”¹.

Туркистон МИК раиси Иномжон Хидиралиевнинг кейинчалик ёзишича, “1920 йил сентябрида босмачиларнинг сони 70.000 кишига етди ва кучли ваҳима уйғотди”².

Фарғона армия гуруҳининг қўмондони Коноваловнинг кейинчалик СССР Қуrolли кучларининг Бош қўмондони С. С. Каменев номига ёзган маърузасида айтилишича, “Фарғонада босмачилик 1920 йил сентябрь ойида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, яширин ҳолда ишлаётган мусулмон ташкилотлари ўз фаолиятларини бутун совет Фарғонасида авж олдирдилар ва Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаришга тайёрландилар”³.

¹ Кувшинов В. Ферганский район //Военная мысль, 1920. 1-китоб, 260-бет.

² Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 300-иш, 33-варақ.

³ Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 3-рўйхат, 36-иш, 107-варақ (махфий фонд).

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг уюшган бир шаклда намоён бўлишида қуйида номлари зикр этиладиган шахслар — ҚЎРБОШИЛАР кўрсатган ғайратшижоатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўз вақтида Фарғона водийсидаги Кичик ва Катта Эргашлар, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Ислом Паҳлавон, Ёрмат Махсум, Холхўжа Эшон ва Муҳиддинбек; Самарқанд вилоятида Очилбек ва Баҳромбек; Бухоро халқ жумҳуриятидаги Саид Олимхон (собиқ амир), Иброҳимбек лақай, Мулла Абдулқаҳҳор, Анвар Пошо, Салим Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек, Остон Қоровулбеги, Ўрмон Полвон, Ҳайит Полвон, Фузайл Махдум, Дониёлбек; Хоразм халқ жумҳуриятида Жунаидхон, Фуломалихон, Темир Алихон каби қўрбошилар бу ҳаракатни ягона кучга бирлаштириш учун раҳбарликни бирин-кетин ўз қўлларига олсалар-да, лекин Фарғона водийси, Хоразм ва Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати бошдан охиригача ягона марказга тўлиқ уюша олмади. Туркистон фидойиларининг озодлик ҳаракатини ягона марказга бирлаштириш учун собитқадам ва изчил курашаётган Мадаминбек билан Анвар Пошонинг тақдирлари эса фожеали тугади.

Истиқлолчилик ҳаракатини ташкилий жиҳатдан уюштиришда ҚЎРБОШИЛАР ҚУРУЛТОЙИнинг аҳамияти ҳам жуда катта бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Фарғона водийси, Бухоро ва Хоразмдаги қўрбошиларнинг мазкур даврда ўттиздан ортиқ қурултойлари бўлиб ўтди. Ушбу қурултойларда раҳбарлар сайланган, қўрбошилар ягона қўмондонлик остида бирлаштирилган. Ҳолбуки, бунга ҳамма пайт ҳам амал қилинмас эди. Шунингдек, қурултойда қўрбоши дасталари ҳаракат қиладиган жойлар ва уларнинг таъсир доираси ҳам белгилаб олинган.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ҒОЯВИЙ РАҲНАМОЛАРИ ҳам етарли даражада мавжуд бўлиб, улар асосан жаҳид мунавварлари ва ислом ула молари эди.

Наманганлик Носирхон Тура Саид Камолхон Тура ўғли, Тошкентлик муфтий Садриддинхон Махсум Шарифхўжа Қози ўғли, Туркистон МИКнинг собиқ аъзо-

си, еттисувлик Туракул Жонузоқов, асли бошқирдистонлик Аҳмад Закий Валидий Туғон ва бошқалар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари эди. Ҳаракатга раҳбарлик қилган ислом уламолари орасида яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатининг пирлари кўп бўлишган. Хорижлик тарихчи Мэри Броксапнинг ёзишича, Фарғонадаги энг қаҳри қаттиқ қўрбоши Холхўжа Эшон яссавийлик тариқатининг вакили бўлган. Ислом Паҳлавон ва Мулла Деҳқон қўрбошилар ҳам тасаввуф шайхлари эди. Бухородаги бир қатор қўрбошилар нақшбандийлик тариқатининг машҳур пирлари ҳисобланишган.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларидаги жадидларнинг бир қисми бу пайтда совет ташкилотларида фаолият кўрсатишса-да, миллий мустақиллик тўғрисидаги ўз ғояларидан воз кечишмаган эди.

Бу даврда ташкил топган “Миллий иттиҳод” ва “Миллий истиқлол” фирқалари истиқлолчилик ҳаракатининг кейинги ривожланишида муҳим ўрин тутди. Архив ҳужжатларида ёзилишича, “Миллий иттиҳод” фирқаси 1920 йил охиридаёқ Файзулла Хўжаев бошчилигида Бухорода ташкил топган бўлса, 1922 йилда Акмал Икромов Тошкентда “Миллий истиқлол” фирқасини тузган эди. Ушбу фирқалар биргаликда яширин равишда истиқлолчиларни қўллаб-қувватлашади.

Бу маълумотни айрим архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Демак, истиқлолчилик ҳаракати ўша 1919—1922 йиллардаёқ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ғоялари билан маълум даражада қуролланган эди.

Шермуҳаммадбек бошчилигида тузилган Туркистон муваққат ҳукумати 1922 йил охирида тарқалиб кетишга мажбур бўлди. Шермуҳаммадбек қўрбошининг ўзи эса қатор жанглардан кейин, 1922 йил декабрь ойининг сўнги кунларида Бухоро жумҳурияти ҳудудига, 1923 йилнинг баҳорида эса Афғонистон давлатига ўтиб кетди¹. Унинг кейинчалик водийга яна қайтиб келиш тўғрисидаги барча ҳаракатларини совет ҳокимияти йўққа чиқарди. Мазкур

¹ Қаранг: РДҲА, 28113-фонд, 7-руйхат, 84-иш, 16-варақ.

воқеалар билан истиқлолчилик ҳаракатининг катта бир босқичи тугади.

Фарғона водийсидаги ватанпарварлар қўшинига 1923—1924 йилларда олдин ИСЛОМ ПАҲЛАВОН¹, кейин ЁРМАТ МАХСУМ² каби қўрбошилар раҳбарлик қилдилар. Лекин қўрбошилар эрк ва истиқлол курашининг мазкур учинчи босқичида турли сабаб ва маҳаллий шарт-шароитлар натижасида бир-бирлари билан доимо ҳам келишиб иш тутмадилар.

Қўрбошилар 1924 йилга келганда Фарғонадаги иқтисодий таназзул ва қашшоқлик, даҳшатли очарчилик, халқнинг оғир турмушини кўрмасликлари мумкин эмас эди. Тинимсиз давом этган етти йиллик курашдан Фарғона халқи ҳам, қўрбоши ва уларнинг йигитлари ҳам жуда-жуда толиққан эдилар. Шунинг учун қасоскорларнинг кўпчилиги 1924 йил давомида қаршилиқни тўхтатдилар. Улар кейинги жанглар учун ҳам куч туплашлари лозим эди.

Хулоса қилиб айтганда, 1918 йил февралидан 1920 йил мартигача давом этган водийдаги истиқлолчилик ҳаракатининг БИРИНЧИ БОСҚИЧИДА даставвал Кичик ва Катта Эргашлар, сўнгра эса Мадаминбек ватанпарварлар қўшинига қўмондонлик қилдилар. Бу даврда Фарғонадаги истиқлолчиларнинг кучлари 70.000 кишидан кам бўлмаган. Мадаминбек бошчилигидаги Фарғона муваққат мухторият ҳукуматининг 1919 йил октябрь ойида тузилиши истиқлолчилик ҳаракатининг мантиқий якуни бўлди.

1920 йилнинг баҳоридан бошлаб то 1922 йилнинг охиригача бўлган ИККИНЧИ БОСҚИЧДА истиқлолчилар қўшинига Шермуҳаммадбек раҳбарлик қилди. Шермуҳаммадбек бошчилигида 1920 йил май ойида Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти тузилди ва 1922 йил апрель ойида ушбу Туркистон муваққат ҳукуматининг вақтинчалик Конституцияси қабул қилинди. Қа-

¹ Ислон Паҳлавон 1923 йилнинг охирида қўлга олиниб, узининг яқин сафдошлари билан бирга қатл қилинади.

² Ёрмат Махсум 1929 йилда Фарғона водийсида булган жангларнинг бирида ўлдирилади.

рийб уч йил давом этган ва асосан Шермуҳаммадбек номи билан чамбарчас боғлиқ ушбу босқичда истиқлолчилар водийдаги қизил армия жангчиларига қақшатқич зарбалар беришга муваффақ бўлдилар. Туркистон муваққат ҳукумати ва Аҳмад Закий Валидий бошчилигида 1921 йил 5 августда Бухоро шаҳрида тузилган **ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИГИ** ташкилоти¹ озодлик курашининг мантиқий ҳосиласи сифатида истиқлолчиларнинг ғоявий жиҳатдан жипслашишида муҳим роль ўйнади.

1923—1924 йилларда давом этган **УЧИНЧИ БОСҚИЧ**-да истиқлолчилар қушини кичик-кичик дасталарга бўлинган ҳолда водийда жанг ҳаракатларини олиб бордилар. Фарғонада кичик қўрбоши дасталарининг миқдори 1923 йилда камида 350—400 та атрофида эди. Етти йиллик тинимсиз муҳорабадан чарчаган истиқлолчиларнинг аксарият қисми 1923 йилнинг охири ва 1924 йилнинг бошларига келиб, қуролни ташлашга мажбур бўлдилар. Фарғона водийси аҳолиси ҳам бу пайтга келиб, даҳшатли очарчилик ва урушлар натижасида деярли бутунлай қирилиб кетаётган, яъни 1917 йилдаги 2,2 миллион кишидан 1924 йилнинг охирига келганда атиги 500.000 киши тирик қолган эди, холос. 1924 йилдаги жанглар натижасида Фарғонадаги миллий муҳолафат вақтинчалик мағлубиятга учради. Шундай қилиб, 1924 йилнинг охирида Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг **БИРИНЧИ ДАВРИ** якунланди.

Лекин ҳали олдинда курашнинг тулиқ 10 йили турар эди. Ватанпарварлар яна Фарғона водийсида 1935 йилгача озодлик байроғи ва мустақиллик яловини ҳилпиратиб, исломнинг яшил туғи остида босқинчи қизил армия қушинларига қарши ҳаёт-мамот курашини олиб бордилар. Курашнинг **ИККИНЧИ ДАВРИ** 1925—1935 йилларни ўз ичига олган бўлиб, ўзининг характери ва кучлар нисбати жиҳатидан биринчи даврдан анча фарқ қилади. Бу пайтда водийда ўнлаб қўрбоши дасталари мавжуд бўлиб, улар имкониятлари доирасида мавжуд

¹ Zeki Velidi Togan. Hftiralar Turkistan ve diger musulman docu Turklerinin milli varlik ve rultur mucadeleleri Istanbul, 1969, S. 115.

тузумга қарши кураш олиб бордилар. Фарғона қурбошиларининг сунгги умумий етакчиси Ёрмат Махсум эди. Бу пайтдаги Фарғона қуроли мухолафатининг асосий манзили тоғлар орасидаги Сўх тумани эди. Совет ҳокимияти Фарғона ватанпарварларини фақат 1935 йилдагина бутунлай тор-мор келтиришга муваффақ бўла олди, холос.


ХОРАЗМ ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИДАГИ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1917 йил Туркистонда юз берган воқеалар натижасида Хоразмдаги миллий озодлик ва демократик ҳаракат ҳам кучайди. Хива хонлигида миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви вазиятни янада оғирлаштирди. Мана шундай шароитда туркман уруғларидан бири бўлган ёвмутларнинг етакчиси Қурбон Мамед Сардор — ЖУНАИДХОН (1857—1938) айниқса кўзга ташлана бошлади. У Хоразмда сиёсий ҳокимият учун кураш бошлади.

Жунаидхон Хива хони ҳукмронлигидан норози бўлган тарқоқ туркман қабилалари ва уларнинг бошлиқларини нисбатан қисқа муддат ичида бирлаштирди. 1918 йилнинг бошларига келганда унинг қўл остида энди бир ярим мингдан ортиқ қуроли отлиқлар бўлиб, у Хива хонига жиддий хавф туғдириб қўйган эди¹. Иродаси заиф ва айш-ишратга уч Хива хони Асфандиёрхонни 1918 йил 30 октябрда Жунаидхоннинг ўғли Эшим бошчилигидаги суиқасдчилар гуруҳи ўз саройида пичоқлаб ўлдирди. Амалда хонликнинг мутлақ ҳукмдорига айланган Жунаидхон ўлдирилган хоннинг амакиси Саид Абдуллахонни қўғирчоқ хон сифатида Хива тахтига ўтқазди.

Жунаидхон номи тарих саҳифаларига мураккаб шахс ва зиддиятга тўла инсон сифатида битилган. Унинг фао-

¹Р. Ё. Ражабова ва б. Ўзбекистон тарихи (1917—1993 й). Тошкент. “Ўқитувчи”, 1994, 78—79-бетлар.



лияти ҳам шахсиятидек кескин ва фожеали, зафарли ва қайғули кечди. Олдин чор Россияси ва Хива хонига қарши савашган Жунаидхон 1919 йилнинг ёзидан бошлаб Тўрткўлдаги қизил аскарларга қарши мустақиллик курашини бошлади. Закий Валидий ўзининг “Хотиралар” китобида Жунаидхонни “... оқ ва қизил мустамлакачиларига бош эгмаган қаҳрамон”, — деб бежиз таърифламаган.

1919 йилнинг ноябрь, 1920 йилнинг январь ойларида бўлган шиддатли жанглар натижасида Жунаидхон қўшини қизил аскарлардан мағлубиятга учради. Жунаидхоннинг қароргоҳи Тахта қалъаси 20 январда қўлдан кетди. Қизил армия қўшинлари 1920 йил 1 февралда хонликнинг пойтахти Хива шаҳрини эгалладилар. 2 февралда Саид Абдуллахон тахтдан воз кечди. Жунаидхон асосий кучларини олиб Қорақўмдаги туркман овулларига чекинди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигидаги Ёш хиваликлар янги тузилган Хоразм ҳукумати — Халқ Нозирлар Шўроси таркибига кирган бўлсалар ҳам ҳокимиятнинг жиловни аслида большевиклар қўлида эди. Натижада Жумҳурайс ПОЛВОННИЁЗ ҲОЖИ ЮСУПОВ ҳукумати амалга оширмақчи бўлган иқтисодий ва маданий тадбирлар бажарилмай қолди.

Жунаидхон қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши ўз ҳаракатларини фаоллаштирди. Унинг қўшини сафида туркманлардан ташқари ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқлар ҳам кўпчилик эди. Ўзбек деҳқонлари ва хунарамандларидан иборат дасталарга Мадраимбой, Ота Махсум, Темир Алихон, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек ва бошқалар раҳбарлик қилишди. Хусусан, Қўҳна Урганч, Илалли, Тошқовуз, Манғит, Қўшқўпир, Чимбой, Қўнғирот ва Тўрткўлда ҳаракат қилган ўнлаб сардорларнинг дасталари қизил аскарларга сезиларли зарбалар беришди.

Туркистондаги большевикча режим Жунаидхонга қарши курашда айтарли ютуққа эриша олмагач, “сопини ўзидан чиқариб” бошқа туркман уруғининг етакчиларидан фойдаланди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг тан олишича, “Жунаидхонга қарши курашда кўққисдан унинг душманлари ҳисобланмиш Фуломали ва

Қўшмамедхон деган туркман йўлбошчилари қўшилиб қолишди. Натижада биз икки уруғнинг ўзаро қурашувига эришдик, Жунаидхон эса Фуломали ва Қўшмамедхон ёрдамида бизнинг қизил армиямиз томонидан ҳарбий қўшилма сифатида янчиб ташланди”¹.

Иши битиб, эшаги лойдан ўтган қизил армиячилар Фуломали ва Қўшмамедхон гуруҳларини тугатишга қарор қилдилар. 1920 йил сентябрда ҳеч нарсадан шубҳаланмай Хива шаҳрига қайтиб келган — туркман уруғларининг бу икки йўлбошчиси Халқ Нозирлар Шўросининг аъзоси ҳам бўлган Қўшмамедхон ва Фуломали йигитлари устига қизил аскарлар ташланишади. Хоинларча ҳибсга олинган Қўшмамедхон орадан бир неча соат ўтгач, ўзининг “яқин ёрдамчилари” томонидан чопиб ташланади. Фуломали бўлса қочиб, истиклолчилар қаторига ўтиб кетди². Бундай муносабатни қурган Хоразм Халқ Нозирлар Шўросининг бир нечта аъзоси ҳам Жунаидхон қўшинлари сафига бориб қўшилди. Хоразмлик йигитлар ҳам унинг лашкарлари сафини тўлдиришди. Оғажон Эшон Жунаидхоннинг пири сифатида бутун ислом лашкарларининг гоъвий раҳнамоси эди.

Натижада 1923 йилнинг охири ва 1924 йил бошида Жунаидхон қўлида жуда катта миқдордаги ҳарбий куч-қудрат тўпланди. Хоразм жумҳуриятининг кўплаб шаҳар ва қишлоқлари унинг тасарруфига ўтди. 1923 йил декабрь ойида Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида совет ҳокимиятига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланиб кетди. Қўзғолончилар ушбу жойлардаги совет ташкилотларини тугатиб, мамлакат пойтахти Хива шаҳри устига юриш қилдилар. Қорақумда турган Жунаидхон қўшинлари ҳам ғарб томондан келиб, бир вақтнинг ўзида шаҳарни қуршаб олишди³.

1924 йил 10 январдан бошлаб Жунаидхон бошчилигидаги 15.000 кишилик пиеда ва отликлар қўшини Хива шаҳ-

¹ Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рунхат, 90-иш, 326-варақ.

² Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рунхат, 90-иш, 327-варақ.

³ История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. Москва, “Наука”, 1971, 162-бет.

рини қамал қилишга киришди¹. Қўзғолончилар январь ойининг охирларига келганда шаҳар ичига ёриб кириб, айрим кўчаларни эгаллашди. 26 январь кечқурун бўлган жанглар айниқса шиддатли кечди. Хива шаҳри ичида қизил аскарлар билан бўлган ушбу жангда Жунаидхоннинг қариндоши Байрамалихон ўлдирилиб, унинг ўзи ярадор қилинди.

Февраль ойининг бошларига келиб Хива шаҳрига 4-Актюбинск ва 82-Туркистон отличлар полки ва авиаэскадрильяси, Тошкент ва Тўртқўлдан қизил аскар қисмлари олиб ташлангач, Жунаидхон бошчилигидаги ватанпарварлар қўшини қарийб бир ой давом этган қамални тўхтатиб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Тошкент ва Москвадаги совет ҳокимиятини зир титратган “қум бургути” — Жунаидхоннинг бу зарбаси унинг сўнгги ҳамласи эмас эди.

Лекин 27 февралда Жунаидхоннинг Қуйи Балиқлидаги қароргоҳи қизил аскарлар томонидан босиб олинди². 1924 йил март-апрель ойларида бўлган жанглар натижасида фақат авиациянинг ёрдами билангина Қорақумдаги Жунаидхон қўшинларининг асосий қисми тор-мор келтирилди³. Оғажон Эшон ва бошқа сардорлар асирга олингач⁴, Жунаидхон 1924 йил 17июнда ўзининг 20 та ҳамроҳи билан Афғонистондаги Ҳирот шаҳрига етиб келди⁵. Архив ҳужжатларида келтирилишича, у бу ерда туриб ўз қўшинлари сафини тўлдиришга ҳаракат қилган ва вақт-вақти билан Туркменистон орқали Хоразм устига юришларни уюштирган.

Жунаидхоннинг ёши бу пайтга келиб етмишдан ошиб қолганига қарамасдан, у ҳали тетик ва бақувват эди. Умрининг ярим асрдан ортиқ вақтини босқинга қарши курашиб отда ўтказган Жунаидхон Афғонистон ва кейинчалик Эрондан Туркменистон орқали Хоразм ҳудудига ўтиб, совет армияси жангчиларига қарши навбатдаги кес-

¹ РДҲА, 157-фонд, 2-руйхат, 752-иш, 148-151-варақлар.

² РДҲА, 110-фонд, 2-руйхат, 532-иш, 54-варақ.

³ Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-руйхат, 42-иш, 24-варақ.

⁴ РЦХИДНИ, 17-фонд, 16-руйхат, 1177-иш, 19-варақ.

⁵ История Хорезмской Народной Советской Республики. Сб. документов. Ташкент, “Фан”, 1976, 262-бет.

кин ва аёвсиз зарбаларни бергач, бепоеён Қорақум чулла-рида ғойиб бўлар эди. Маршал С. М. Будённийнинг сараланган махсус отлиқ қўшини ҳам Жунаидхонни қўлга тушира олмади. Ҳозирги Туркменистон Республикаси ҳудуди ва Хоразмда айрим танаффуслар билан 1931 йил-гача кураш олиб борган Жунаидхон ниҳоят Эрон давлатига бутунлай ўтиб кетди ва муҳожирликда ўша ерда 1938 йили вафот этди. Баъзи манбаларда ёзилишича, унинг жасади Эрондан келтирилиб ўзи туғилиб ўсган Тахта туманидаги Бадиркент қишлоғидаги қабристонда яширинча дафн этилган.

БУХОРО ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИДАГИ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ

1920 йил 2 сентябрда М. В. Фрунзе бошчилигидаги 70 минг кишилиқ қизил армия қисмлари¹ Бухоро шаҳрида АМИР САИД ОЛИМХОННИ (1881—1944 й.) тахтдан ағдариб ташладилар. Натижада Бухорода қизил аскар найзалари остида “халқ инқилоби” ғалаба қозонди. Муқаддас Бухорои шариф большевиклар томонидан қизил Бухорога айлантирилди. ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ (1896—1938 й.) бошчилигидаги жадидлардан иборат Ёш бухороликлар фирқаси Бухоро коммунистик партияси билан қўшилишга мажбур бўлди². Бухоронинг турли жойларида инқилобий қўмиталар тузилди. Собиқ амирнинг жўнаб кетишга улгурмаган амалдорлари ва сарой аъёнлари, нуфузли руҳонийлар қамоққа олинди ва большевиклар томонидан отиб ташланди³.

Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро жумҳурияти Халқ Нозирлари Шўроси⁴ ана шундай жуда оғир бир ва-

¹ Қаранг: *Крушельницкий А.* Бухарская революция. Диктатура по телеграфу. Родина, 1989, № 11, 33-бет.

² Бугун ўзини “тарихчи” ва “сиёсатдон” деб ўйлаётган, аслида эса давр маддоҳлари бўлган айрим кимсалар даъво қилаётганидек, Ф. Хўжаев Бухородаги инқилобий жараёнга коммунист сифатида эмас, балки жадид сифатида келиб қўшилган. У Туркистон мустақиллиги учун мустабид совет режимиға қарши имконияти доирасида кураш олиб борган эди. Бу тарихий ҳақиқатни қўлаб архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

³ *Кастанье Ж.* Бухарская республика // *Позиция*, 1993, №1, 16-бет.

⁴ Қаранг: *Хўжаев Файзулла.* Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Тошкент. “Фан”, 1997, 173-бет.

зиятда иш бошлади. Амирлик тузумидан қолган оғир мерос, ўрта асрчилик анъаналари, Бухоро қишлоқларидаги қолоқлик, аҳоли ўртасида мутаассиб руҳонийларнинг нуфузи баландлиги ва бошқа бир қатор сабаблар "... шунга олиб келдики, амалга оширилиши унчалик қийин бўлмаган бир қанча тadbирлар, шунингдек, хўжалик ва маданий қурилишнинг бутун программаси маълум даражада қоғозда қолиб кетди"¹.

Бухоро жумҳуриятидаги истиқлолчилик ҳаракати ўзининг мураккаб ва зиддиятли, айни пайтда, шонли ва зафарли тарихига эга. Бу ердаги ҳаракатнинг Туркистондан, хусусан, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдорлари бўлган МУЖОҲИДЛАР² жадидлардан иборат ёш Бухоро ҳукуматига ва шунингдек, қизил армия қўшинларига қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг пировард мақсади Бухорои шарифда амир Саид Олимхоннинг ҳокимиятини қайта тиклаш, қизил аскарлар ва коммунистлар билан биргаликда, уларнинг таъбирича, "кофирларга сотилган жадидлар" ҳуку-

¹ Ф. Ҳужаев. Бухородаги революция ва Урта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир. Ф. Ҳужаев. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент. "Фан", 1976, 244-бет.

² Арабча "мужоҳид" сўзининг луғавий маъноси "эътиқод учун курашувчи киши" демақдир. "Мужоҳидлар" деб ўша пайтда Бухородаги қизил армияга қарши курашган кишилар айтилган. Лекин бу номга сазовор бўлиш жуда қийин бўлган. Архив ҳужжатларида келтирилишича, фақат нуфузли шахсларнинг тавсияси билан ватанпарварлар қўшинига қабул қилинган кўнгиллилар "мужоҳидлар" деб аталган. Босқинчиларга қарши курашган фидойи мужоҳид боболаримизни Афғонистон ва Тожикистонда ҳозир ҳам бир-бирига қарши жанг қиладиган турли гуруҳлар ва ислом дини ниқоби остида фаолият кўрсатаётган айрим тўдалар билан чалкаштирмаслик лозим. Кўнгиллилардан ташқари қўшинда маҳаллий аҳоли ўртасидан сафарбар қилинган йигитлар ҳам бўлганки, улар "аскар" деб номланган.

Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотда Бухоро жумҳуриятида 1920—1924 йилларда босқинчи қизил армия жангчилари ва советча режимга қарши мустақиллик курашини олиб борган ватанпарвар ажлодларимиз истиқлолчилар ва мужоҳидлар деб номланди. Халқимизнинг асл фарзандлари иштирок қилган бу ҳаракат мос равишда истиқлолчилик ҳаракати деб аталди.

матини ҳам йўқотиш эди (Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор ва б.). Иккинчи томондан, миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлар Файзулла Хўжаев бошлиқ Бухоро Халқ Жумҳурияти ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг муқаддас тупроғидан қизил аскарларнинг олиб кетилиши, Бухоро жумҳуриятининг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашдилар (Анвар Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёлбек ва б.). Айнан улар сафига кейинчалик Бухоро жумҳуриятининг жуда кўпчилик раҳбарлари (Бухоронинг биринчи жумҳурайиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Чека райиси Муҳиддин Махсум Хўжаев, республика милициясининг бошлиғи Али Ризо Афанди, Шеробод вилояти нозири Ҳасан Афанди, Термиз милициясининг бошлиғи Усмон Афанди, ҳарбий ишлар нозири Абдулҳамид Орипов, шунингдек, Сурайё Афанди, М. Кулмуҳамедов ва б.) қўшилдиларки, бу арбобларнинг аксарияти кечаги жадидлар ва Ёш бухороликлар эди¹. Бухородаги бу ҳаракат Анвар Пошонинг келиши билан ўзининг юқори чўққисига кўтарилдики, 1921 йилнинг қиши ва 1922 йилнинг баҳор-ёзида бутун Туркистондаги сиёсий жараёнларнинг маркази айнан Шарқий Бухорога кўчгани ҳам бежиз эмас эди. Афсуски, Анвар Пошонинг ўлими билан бу ҳаракат “яхлит бир уюшган сиёсий кураш” даражасидан оз бўлса-да пастга тушди. Шарқий Бухородаги қўрбошиларни бирлаштирувчи куч яна Иброҳимбек сиймосида намоён бўлган бўлса ҳам улар билан Бухоро ва Кармана (Фарбий Бухоро), Қашқадарё ва қисман Сурхондарё (Ўрта Бухоро) вилоятларидаги ис-

¹ Афсуски, Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати таркибидаги миллий ватанпарвар кучлар (собик Ёш бухоролик жадидлар) билан мухолафатдаги қуроли истиқлол гуруҳларининг йўлбошчилари ўртасидаги очиқ келишув амалга ошмади. Агар ушбу келишув амалга ошганда эди, бу нодир ҳодиса Туркистон халқлари миллий озодлик ҳаракати тарихидаги кескин бурилиш нуқтасини ташкил қилган буларди. Ҳолбуки, ҳар икки томон ҳам миллий бирлик, тинчлик ва муросага қараб интилган эди. Ҳар икки томоннинг ҳам пировард мақсади Туркистонни яхлит ва бир бутун ҳолда ҳақиқий мустақил давлат ҳолида куриш эди. Лекин уларнинг бу орзулари тоталитар режим ҳукм сурган даврда амалга ошиши мумкин ҳам эмас эди.

тиқлолчилар узаро ҳамкорликда иш олиб бормадилар. Аниқроқ айтганда, Бухоро жумҳуриятидаги ватанпарварлар доимо ҳам ягона бир қумондан қули остида ва яхлит бир дастур асосида фаолият юрита билмадилар.

Бухородаги истиқлолчилар сафида худди Фарғона водийсида бўлгани сингари халқнинг барча табақаларига мансуб кишилар бор эди. Деҳқонлар ва ҳунармандлар қурбоши йигитларининг асосини ташкил қиларди. Ҳаракатнинг етакчилари бўлган қурбошилар ҳам фақат катта бой ва йирик дин арбоблари бўлмасдан, улар орасида зиёлилар, жаид ватанпарварлари, турли касб эгалари кўпчилиқни ташкил этарди.

“Босмачилик ҳаракати, — деб сал кейинроқ ёзган эди Файзулла Хўжаев “Катта Совет Қомуси”да, — шиддатли сиёсий, аксилсовет хусусият касб этди ва бутун Ўрта Осиёнинг мавжуд уч республикаси — Бухоро, Туркистон ва Хоразмдаги деҳқонлар аҳолисининг деярли оммавий ҳаракатига айланди. Ҳаракатнинг доҳийлари фақатгина босқинчи тўдаларининг Кўршермат, Иброҳимбек каби алоҳида бошлиқлари бўлиб қолмасдан, балки унга маҳаллий миллий зиёлилар, мулла ва бойлар ҳам раҳбарлик қила бошладилар”¹.

Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг узига хос томонларини кўрсатишда бир гуруҳ қурбошиларнинг ўша даврда Бухоро Халқ Жумҳурияти ҳукумати раҳбарларига йўллаган мактуби характерлидир. Ф. Хўжаевнинг “Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир” номли асарида тўла матни келтирилган ва унинг китобларида ҳатто совет даврида ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз эълон қилинган ушбу мактубда Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг асосий моҳияти лўнда қилиб кўрсатилади. Истиқлолчилар Бухоронинг мустақиллиги учун, эркин ва ҳур Ватан қуриш учун курашаётганликларини, бундай Ватанда коммунистлар бўлмаслиги лозимлигини, “Фавқулодда комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулки ва ҳаёти тортиб” олинганлигини,

¹ Ф. Хўжаев. Басмачество. Большая Советская Энциклопедия. 5-т. М. 1927, 36-бет.

“большевиклар жабр ва зулмни авж олдириб” юборганликларини ва “Бухоронинг мустақиллиги қуруқ суз бўлиб” қолганлигини, “ҳақиқатда ундан дарак йўқ”лигини¹ таъкидлашади.

Шу жиҳатдан қараганда Ф. Хужаев томонидан РСФСР ташқи ишлар вазирининг уринбосари Л. М. Карахан номига ёзилган хат ҳам диққатга сазовордир. Ф. Хужаев ушбу хатда Бухоро республикасидаги бу ҳаракат қисқа муддат ичида оммавий тус олганлигини, хусусан туркиялик ҳарбий саркарда Анвар Пошо Шарқий Бухорога боргач, истиқлолчилар ҳаракати энг авж нуқтага кўтарилганлиги, ҳатто бу ҳаракат Шарқий Бухорода Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан ҳам кучайиб кетганлигини эътироф этади. Ф. Хужаевнинг ҳаққоний равишда таъкидлашича, “Шарқий Бухородаги босмачилик ўзининг стратегик мавқеи жиҳатидан қараганда, Фарғона босмачиларига нисбатан кучлироқ”².

Агар Шарқий Бухородаги истиқлолчиларнинг энг зафарли ғалабаси Душанбенинг қўлга олиниши бўлса, Фарбий Бухородаги кўрбоши гуруҳлари ҳам миллий озодлик ҳаракати тарихига зарҳал саҳифалар билан битиладиган қатор ютуқларни қўлга киритишди. МУЛЛА АБДУЛҚАҲ-ҲОР (1884—1924 й.) бошчилигидаги истиқлолчиларнинг катта армияси 1922 йилнинг бошида Бухоро жумҳурияти пойтахти Бухоро шаҳри устига юриш қилишди. Улар қизил аскарлар билан Сарипул-Меҳтар Қосим кўприги олдида бўлган икки кунлик шиддатли жанглардан сўнг Бухоро шаҳрининг катта бир қисмини эгаллашди ва бир неча соат мобайнида шаҳарни ўз қўлларида тутиб туришди. Истиқлолчиларнинг ушбу ғалабаси ҳақида собиқ амир Саид Олимхон ўз хотираларида бундай деб ёзган эди: “Мулла Абдулқаҳҳор большевиклар устидан зафар қозонди, яна Бухоро шаҳри теварагини ўраб олди, натижада, шаҳарнинг олти дарвозасини эгаллади. Шу билан у большевикларни сиқиб чиқариб, Бухорони бўшатди... Тўрт соатдан кўпроқ бу ерда туриб, кейин шаҳар ичкарисидан чиқиб Баҳоуддинга борди, у ерда ўн соат жанг қилиб, у

¹ Қаранг: Ф. Хужаев. Танланган асарлар. I-том, 249-бет.

² Ф. Хужаев. Танланган асарлар, I-том, 461-бет.

ерни ҳам большевиклар қўлидан халос қилди. Абдулқаҳ-
ҳор Бухоро ва Баҳоуддиндан қўлга анчагина ўлжа кирит-
ди”¹.

Аммо зудлик билан Тошкент ва Москвадан етиб кел-
ган кўп сонли қизил аскарлар билан бўлган жангда Бу-
хорои шариф ва Баҳоуддин зиёратгоҳидан чекинишга
мажбур бўлишди. Истиклолчиларнинг кўп қисми асирга
олинди.

Бу воқеалардан сўнг Мулла Абдулқаҳҳор йигитлари яна
икки йилдан зиёд вақт мобайнида қизил аскар қисмлари
билан ҳаёт-мамонт жангларини олиб боришди. Ҳар икки
томон аскарлари ўртасида 1924 йилнинг ёзи ва кузида
Ғиждувон туманининг Ғишти ва Катта Ғамхўр қишлоқ-
ларида, Нурота тоғларида, Шофиркон туманига туташ
Қизилқумнинг Жилвон қумликларида, Боғиафзал ва Вар-
донзе қишлоқларида қаттиқ тўқнашувлар бўлди². Кучлар
тенг бўлмаган ушбу жангларда Ғарбий Бухоро ватанпар-
варларининг етакчиси мағлубиятга учради. Ғарбий Бухо-
родаги қўрбоши дасталарига сезиларли зарба берилди.
Мулла Абдулқаҳҳор қўрбоши 1924 йилнинг охирида Қи-
зилқум чўлларида қизил аскарлар билан бўлган тўқна-
шувларнинг бирида ўлдирилди³.

Собиқ Бухоро амирлиги ўрнида ташкил топган Бухо-
ро жумҳуриятидаги ватанпарварлар қизил армия қисмла-
рига қарши қарийб 5 йил давомида шиддатли жанг ҳара-
катларини олиб боришди. Бу курашда бухороликлар фа-
қат ўз кучлари ва ички имкониятларига суяниб, жаҳондаги
энг қудратли ҳарбий давлатнинг тиш-тирноғигача қурол-
ланган армиясига қарши тура олдилар. 1924 йилнинг охи-
ри ва 1925 йилнинг бошларига келганда ҳозирги Бухоро,
Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги мужоҳидлар ҳарака-
ти қисман мағлубиятга учради. Шундай қилиб, Бухоро
жумҳурияти ҳудудидаги истиқлолчилик ҳаракатининг
БИРИНЧИ ДАВРИ поёнига етди.

¹ *Амир Саййид Олимхон*. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Тошкент.
“Фан”, 1991, 19-20-бетлар.

² Қаранг: Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-руйхат, 48-иш, 621-623-ва-
рақлар.

³ Қаранг: История Бухарской Народной Советской Республики. Сбор-
ник документов. Ташкент. “Фан”, 1976, 171-бет.

Бухоро ватанпарварларининг кўп қисми ўз юртларининг мустақиллиги ва озодлиги учун курашларда қурбон бўлдилар. Тирик қолган фидойиларнинг аксарияти эса беш йиллик тинимсиз жанглардан жуда чарчаган ва толиққан эди. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги совет ҳокимияти вакилларига таслим бўлди. Таслим бўлишни хоҳламаган минглаб истиқлолчилар эса Афғонистон ва бошқа хорижий давлатларга муҳожир бўлиб жўнаб кетишди. Улар билан биргаликда ўн минглаб бухороликлар ҳам ўзларининг киндик қони тўкилган тибаррук ва муқаддас тупроқни ташлаб, Ватан сарҳадларидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Манбаларда бухоролик муҳожирлар 400.000 кишидан иборат бўлганлиги келтирилади.

Лекин ҳали кураш давом этар эди. Мустабид совет тартибларига қарши собиқ Бухоро жумҳуриятида, хусусан, ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Тожикистон Республикаси ҳудудида ватанпарварлар яна ўн йил давомида (1925—1935 йиллар) ҳаёт-мамот жангларини олиб боришди. Ўзбекистон ССРда 20-йилларнинг охирида коллективлаштиришнинг мажбурий суратда ўтказилиши, аҳолининг аксарият қисмини “сен-муштумзўрсан” деб асоссиз равишда бадарға қилиниши ва қамоққа ташланиши оқибатида кураш қайтадан авж олди. Ўзбекистоннинг ҳамма жойида бўлгани каби ҳозирги Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳам халқнинг кўпчилик қисми советларга қарши курашга кўтарилди. СССР катта куч-ғайрат сарфлаб, Бухоро заминидаги истиқлолчилик ҳаракатини ҳам бутун Туркистон тупроғида бўлгани сингари фақат 1935 йилга келибгина тор-мор қила олди, холос.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро жумҳуриятидаги истиқлолчилик ҳаракати ўз ривожланиш жараёнида икки катта даврни босиб ўтди. БИРИНЧИ ДАВР 1920—1924 йилларни ўз ичига олган бўлиб, унинг ўзи ҳам уч босқичдан иборатдир. БИРИНЧИ БОСҚИЧда (1920 йилнинг кузи—1921 йилнинг октябри) собиқ амирлик ҳудудида истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Дастлаб Шарқий Бухорода юзага келган ушбу ҳаракат тез орада бутун Бухоро жумҳурияти ҳудудини қамраб олди ва дастлабки порлоқ

ғалабаларга эришди. Ҳаракатнинг ИККИНЧИ БОСҚИ-ЧИ (1921 йилнинг ноябри 1922 йилнинг августи) унинг энг кучайган даври бўлиб, бу бевосита АНВАР ПОШО-нинг (1881—1922 й.) Бухорога келиши билан боғлиқдир. Истиқлолчилар бу пайтда деярли бутун Шарқий Бухоро-ни (Тожикистоннинг ҳозирги пойтахти Душанбени ҳам) қизил аскарлар қўлидан озод қилишди. Фарбий Бухоро-даги мужоҳидлар ҳам Мулла Абдулқаҳҳор бошчилигида жумҳурият пойтахти Бухоро шаҳрининг катта қисми ва унинг атроф туманларини эгалладиларки, бу воқеа истиқлолчилик ҳаракати тарихига зарҳал саҳифалар билан ёзилди. УЧИНЧИ БОСҚИЧда (1922 йилнинг сентябри 1924 йилнинг охири) ҳарбий ҳаракат асосан икки йуна-лиш: Шарқий Бухорода ИБРОҲИМБЕК (1889—1932 й.) бошчилигида ва Фарбий Бухорода МУЛЛА АБДУЛҚАҲ-ҲОР етакчилигида кечди. Бу пайтда Иброҳимбек, Салим Пошо, Мулла Абдулқаҳҳор ҳаракатга умумий равишда раҳ-барлик қилдилар. 1924 йилнинг охирида Туркистон мин-тақасида миллий-ҳудудий чегараланиши ўтказилиши на-тижасида Бухоро жумҳурияти ҳудуди янги тузилган Ўзбе-кистон ССР, Туркменистон ССР ва Тожикистон АССР таркибига киритилди.

Ҳаракатнинг ИККИНЧИ ДАВРИ 1925—1935 йиллар-ни ўз ичига олади. Бу давр ҳам бир нечта босқичлардан иборатдир. Бу пайтда кураш асосан Шарқий Бухоро (ҳозирги Тожикистон Республикаси ҳудуди) ва Ўзбе-кистон Республикасининг ҳозирги Сурхондарё ва Қаш-қадарё вилоятларида кечди. Ҳаракатга умумий қўмон-дон Иброҳимбек кўрбоши эди. У айрим узилишлар бил-ан истиқлолчилар қўшинини 1931 йил ёзиғача бошқарди.

ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ: ЯКУН ВА ХУЛОСАЛАР

Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати 1935 йилга келиб тўлиқ мағлубиятга учради.

Туркистондаги барча туб халқлар юрт ҳимояси учун бўлган қонли курашда, ҳаёт мамот жангларида пировар-дида енгилди.

Истиқлолчилик ҳаракатининг мағлубиятга учраши сабаблари тўғрисида фикр юритганда, яна бир муҳим омилни айтмасдан ўтиб бўлмайди. Юз минглаб кишилар мустақиллик ва истиқлол учун, эрк ва эътиқод учун курашганларида, улкан муҳорабада қаттол душман билан жон олиб, жон бераётганларида, ватанпарварлар армиясида баъзан ўз манфаатини юрт озодлиги ва Ватан туйғусидан устун қўйган каслар, айрим босқинчи ва талончи кишилар ҳам бўлган. Ҳақиқатни айтганда, бундай кишилар ҳамма давр ва ҳамма замонларда топилди, уларнинг уруғи ҳозир ҳам бисёр. Қўрбошилар жипслик ва ҳамжиҳатликка, ўзаро бирлик ва иттифоққа доимо ҳам амал қилмаганлар. Айрим қўрбошилар фақат ҳаркатга раҳбарлик қилиш тўғрисида ўйлаб, бош қўмондонларига бўйсунмаганлар. Бундан қизил армия раҳбарияти ва болшевиклар устмонлик билан фойдаланишган. Улар махсус хуфялар ва жосуслар ёрдамида ҳаркат сафларидаги бирликни парчалашга, қўрбошилар ўртасидаги тарқоқлик ва ўзаро ихтилофларни янада авж олдиришга уринганлар, бахтга қарши, босқинчилар аксарият ҳолларда ўз қабиҳ режаларини амалга оширишга муваффақ ҳам бўлганлар. Туркистон халқлари ўртасидаги азалий тарқоқлик, ягона муштга бирикиб зарб беришнинг қийинлиги, бирлаша олмаслик туйғуси ва ўзбилармонлик бу тал ҳам панд берди. Бунинг устига, маҳаллий халқлардан чиққан айрим сотқин касларнинг Шимолдан келган босқинчилар билан оғиз-бурун ўпишиб кетганлиги ҳаракатни ичдан емиришга замин тайёрлади. “Ўзингники ўзагингни суғуриб олади” деганларидек, ушбу миллат хоинлари ва ватанфурушлар қўрбошилар лашкарлари ўртасида ваҳимали миш-мишлар тарқатишди, мужоҳидларни асосий курашдан чалғитиб, уларни талончиликка даъват қилишди, советларга хайрихоҳликда шубҳаланилган тинч аҳолини аёвсиз қириб ташлашди. Яна бир муҳим ҳолат. Махфий ҳужжатларда ёзилишича, қизил армия жангчилари кўпгина ҳолларда кечалари мусулмонча кийиниб, қишлоқларга бостириб кирганлар. Совет қўмондонлигининг ташвиқот машинаси бўлса, бу босқинларни “босмачилар” уюштирди, деб маҳаллий халқни мунофиқларча алдаган. Ишонув-

чан ва содда туркий отанинг болалари яна бир марта маккор душман тузоғига илинганлар, бу макр-ҳийланинг қурбони бўлганлар. Буюк ватанпарвар боболаримиз тўккан қутлуғ қон беҳуда кетмади. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига эришиш учун бўлган курашлар босқичида муҳим роль ўйнаб, Ватанимиз янги тарихининг энг шонли саҳифаларини ташкил қилади.

**Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов,
тарих фанлари номзоди**

**Мустақил Туркистон фикри
учун мужодалалар
(1917—1935 йиллар)**

Ўзбек тилида

“Ўзбекистон” нашриёти — 2000,
Тошкент, 700129, Навоий, 30.

Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техник муҳаррир *У. Ким*
Мусахҳиҳа *М. Йулдошева*